

БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Каримов Рустам Рахимжонович

Аннотация. Мазкур мақолада босқинчилик жиноятларини тергов қилиш ҳамда фош этишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, ушбу жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитлари, босқинчилик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган жазо чоралари, жиноятнинг жамият учун ижтимоий хавфлилиги, босқинчилик жиноятини фош этиш амалийтини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: босқинчилик, ўзганинг мол-мулки, фош этиш, жиноят иши, хорижий тажриба, тергов, соғлиқ учун хавфли, ҳаёт учун хавфли.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РАСКРЫТИЯ РАЗБОЕВ

Аннотация. В данной статье рассмотрены аспекты, на которые следует обратить внимание при расследовании и раскрытии преступлений вторжения, причины и условия возникновения этого преступления, меры наказания, установленные действующим законодательством в отношении лиц, совершивших разбойных нападений, а также социальная опасность преступления для общества, совершенствование практики раскрытия разбоев.

Ключевые слова: разбой, чужое имущество, раскрытие, уголовное дело, зарубежный опыт, расследование, опасно для здоровья, опасно для жизни.

WAYS TO IMPROVE THE DISCLOSURE OF ROBBERS

Abstract. This article discusses the aspects that should be paid attention to when investigating and solving crimes of intrusion, the causes and conditions for the occurrence of this crime, the penalties established by the current legislation in relation to persons who committed robberies, as well as the social danger of the crime for society, improving the practice of solving robberies.

Keywords: robbery, other people's property, discovery, criminal case, foreign experience, investigation, dangerous to health, dangerous to life.

Юртимизда сўнгти йилларда жамиятнинг турли соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бизга олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб масалалар қаторида қонун устуверлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасини ҳам тубдан ислоҳ этиш лозимлигини очиб берди.

Хуқуқий давлат ривожланишининг ҳар қандай босқичида ҳам фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий вазифаси

ҳисобланади. Бундай ҳимояни амалга оширишда давлат вакиллари алоҳида рол ўйнайди, чунки уларнинг фаолияти орқали давлат ўз вазифаларини амалга оширади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда босқинчилик билан боғлиқ жиноятчилик сезиларли даражада ошди. Бу эса мазкур соҳа бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги принципини таъминлаш заруратини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил қиласди. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”, деб белгилаб қўйилган. [1].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддасида босқинчилик жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, ўзганинг соғлиғи ёки ҳаёти учун хавфли бўлган усуlda зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ўзганинг мулкини қўлга киритиш назарда тутилган [2].

Мазкур турдаги жиноятларни таҳлил қиласдан бўлсак, 2022 йилда ЖКнинг 164-моддаси билан содир этилган жиноят ишлари сони 672 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 10 ойида эса ушбу кўрсаткич 464 тани ташкил этган [3].

Мулкка тажовузнинг оғир шаклларидан бири босқинчиликдир. Босқинчилик фуқароларнинг мулкий даҳлсизлигига, жамият хавфсизлигига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Бу эса ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўриш, хусусан, босқинчилик жиноятларини фош этиш амалиётини такомиллаштириш, босқинчилик жиноятини замонавий кўринишларига мутаносиб равишда мазкур турдаги жиноятларни иссиқ изидан фош этишни ҳам кун сайн ривожлантириш заруратини юзага чиқармоқда.

Босқинчилик жиноятини содир этишда мулк қўлга киритилиши учун шахснинг ҳаёти ёки соғлигига хавфли бўлган зўрлик ишлатилади ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитилади.

Хўш, мазкур турдаги жиноятларни самарали фош этиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим. Маълумки, содир этилаётган босқинчилик жиноятларининг криминалистик тавсифини таҳлил қиласдан бўлсак, бу турдаги жиноятлар асосан шахсларнинг ожиз аҳволда қолиши, ўз навбатида, жабрланувчиларнинг хилват қўчаларда ёлғиз юришлари ва спиртли ичимлик ёки бошқа воситалар таъсирида бўлиши натижасида содир этилиши аниқланган.

Босқинчилик жиноятини фош этишда инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий хавфсизликни таъминлашнинг зарурлиги ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишга нисбатан алоҳида талаблар қўйилишини тақозо этади. Чунки ҳозирги кунда содир этилаётган босқинчиликка фақат юқори даражада ташкил этилган ва оқилона бошқариладиган хуқукий тизимгина самарали равишда кураша олиш мумкин. Шу муносабат билан, республика ички ишлар органларини илмий асосланган ва замонавий, динамик, доимий ўзгариб турувчи тезкор вазиятга қатъий ҳамжиҳатлик билан мослаштиришга эҳтиёж юзага келмоқда.

Мазкур омиллардан келиб чиқсан ҳолда босқинчилик жиноятини фош этишда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Жиноят тўғрисида бошланғич маълумотлар: (унинг содир этилган жойи, вақти, жиноий тажовузнинг предмети);
2. Жиноятнинг содир этиш услуби ва унинг қўллаш оқибатида юзага келадиган холатлар;
3. Жиноятчининг шахсига оид маълумотлар (жиноий гурухнинг типи ва ўз таърифига эгалиги), жиноятнинг қандай сабабларга кўра содир этилганлиги;
4. Жиноятдан жабр кўрган шахс тўғрисидаги маълумотлар

Юқоридаги фикрлардан келиб бугунги кунда тезкор-қидирув фаолиятнинг назарияси ва амалиётда босқинчлик жиноятини қriminologik ва психологик тавсифларини ўрганиш, ушбу турдаги жиноятларни “иссиқ” изида фош этишда ўзининг ижобий самарасини беради, деб ҳисоблаймиз.

Босқинчилик жиноятининг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганишда қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

“Жиноятчиликнинг сабабларини жамиятда жиноятчиликнинг ижтимоий ҳодиса сифатида бўлишини, унинг алоҳида турлари мавжудлигини, шахсий даражада эса муайян жиноятнинг содир қилинишини тақозо қиладиган (белгилаб берадиган) ҳодиса, воқеа ва жараёнлар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин” [5].

Ўрганишлар жараёнида, босқинчилик жиноятнинг сабаби сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

судланганлик, спиртли ичимлик ва наркотик моддаларга эҳтиёж туғилиши;
ўзи ва оиласини таъминлаш учун даромадининг етишмаслиги;
ноқонуний бойлик орттиришга интилиш;
ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг ижтимоий-руҳий сабаблари эса тарбиявий ишлардаги камчиликлар;
ҳаётга мослашиш қобилиятининг пасайиши;
янги муносабатларга киришимлик, тушкунлик ва ўз-ўзини ҳурмат қилиш

ҳиссисининг пасайиши;

турли қасалликлар, спиртли ичимликка ружу қўйиш, наркотик моддаларни истъемол қилиш каби салбий иллатлардан воз кечмаган.

Ички ишлар органлари тезкор бўлинма ходимлари босқинчилик жиноятидан жабрланган шахсларнинг кўрсатмалари асосида жиноят содир этган айборларни қидириб топишга ҳаракат қиласди.

Шунинг учун ҳам жабрланувчиларга, ўз вақтида ёрдам кўрсатиш ва яхши муносабатда бўлиш жиноятни фош этиш ва жиноятчиларни қидириб топиш учун муҳим замин яратади. Ички ишлар органлари тезкор бўлинма ходимлари босқинчлик жиноятидан жабрланганлар билан қандай алоқага киришиш мумкинлигини билиш лозим.

М.А.Махсудованинг фикрича, “қонунбузарлик социал муҳит таъсиридан келиб чиқади. Ўсмирларда бу ҳол кўп кузатилади, чунки улар балоғат ёшига ўтаётган чоғларида физиологик ва психологик ўзгаришларни бошларидан кечирадилар. Ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ҳали тўла шаклланмаган бўлади” [6].

Ички ишлар органлари ходими ҳар қандай вазиятда ўзини равон тутиши, жабрланувчининг рухиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳистойгуларини билдириласлиги, аксинча ўзини унинг ҳамдард, диққатли шериги сифатида намойиш қилиши лозим.

Ходим босқинчиликдан жабрланганларга ҳуқуқий ёрадамни бериши, улар тақдирининг кўп жиҳатдан ижобий ўзгаришига сабабчи бўлиши мумкин. Чунки, керакли тезкор маълумотларни олиш учун уларнинг ишончига кириш жуда муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, жабрланувчиларни ўзингизга ишонтириш ва кўнглига йўл топиш керак бўлади. Бу билан жиноятни фош қилиш ва жиноятчиларни қўлга олишда жабрланувчилар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Босқинчиликни фош этиш кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ходим билан ҳамкорлик қилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ишнинг энг бошидан жабрланувчиларни ўзига мойил қилиши керак. Биринчи алоқа узоқ вақт ёдда қолади. Жабрланувчининг ишончига кира олиш, унинг жавоб реакцияси сифатида сизга айтиши мумкин бўлган маълумотларни аниқлаштириб олиши ва жиноятни фош этишда кўмаклашиши мумкин.

Бу турдаги жиноятларни иссиқ изидан фош этиш, шунингдек уларнинг олдини олиш, профилактик тажрибасини ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга назар солсак, Канада давлатида жорий қилинган “Фуқаро иштироки” ҳамда “Жиноятсиз кўп қаватли уйлар” дастурлари охида аҳамиятга эга. “Фуқаро иштироки” дастурининг ўзига хослиги шундаки, босқинчилик кўп бўлган худудларда, уларга қарши курашиш мақсадида, кўнгилли гурӯхлар

шакллантирилган, фуқароларнинг бундай гурухларда доимий иштирок этиши таъминланган. “Жиноятсиз кўп қаватли уйлар” дастури эсаҳоли ва кўчмас мулк эгалари учун ишлаб чиқилган бўлиб, 1992 йилда Аризона штати Полиция департаменти томонидан яратилган. Айни пайтда, қарийб 1000 та шахрида “CFMN” дастури асосида иш олиб борилади. Ушбу дастурга иштирок этган уй-жойларда полиция чақирувлари сони 20 фоиздан 70 фоизга қадар камайган. Япония жиноят хуқуқида эса ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятлари бир маънода тушунилади. Ўғирлик учун жавобгарлик Япония ЖКнинг “ўғирлик ва босқинчилик” деб номланувчи 36-бобида назарда тутилган ҳамда 10 йилгача озодликдан маҳрум этилган ҳолда мажбурий меҳнатга ҳукм қилиш билан жазоланади (235-модда). Шунингдек, Япония тажрибасида кўп қаватли ва ҳовли турар-жойларда, уларни атрофларида ёритгичли датчиклардан кенг фойдаланилади, бу шахс ва унинг мол-мулки атрофида ҳаракатланаётган шахсларнинг йўналишларини кўрсатиб туради. Белгиланган масофадан яқинроқ ҳаракатланиш аниқланган тақдирда датчик бу ҳақида хабар беради [7].

Босқинчилик жиноятларини содир этилиш типик тергов ҳолатларига кўра, бир неча турга бўлиш мумкин ва уларни фош этиш бўйича қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш мумкин:

1. Агар шахс жиноят содир этилган жойда ушланган бўлса, фош қилиш ҳаракатларига қуйидагилар киради:

- ҳодиса содир бўлган жойда қўриқлашни ташкил этиш;
- ҳодиса содир бўлган жойни тезкор кўздан кечириш;
- жиноят гувоҳлари аниқлаш;
- жиноятчини аниқлаш ва уни тезкор-қидирав йўллари орқали текшириш;
- жиноятнинг барча ҳолатларини аниқлаш (эҳтимолий шерикларни аниқлаш ва ушлаш учун);
- асослар мавжуд бўлса, гумон қилинувчининг яшаш ва иш жойида тинтув ўтказиш.

Жабрланувчи тажовузкорни эслаб қолган вазиятда, ушланган шахсни шахсини аниқлаш учун кўрсатиш керак. Тергов ҳаракатлари билан бир вақтда келишилган ва мақсадли тезкор-қидирав тадбирлари ҳам ўтказилиши лозим [8].

2. Жиноят содир этган шахс тўғрисида маълумот келиб тушган, лекин у ушланмаган бўлса, қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

- ҳодиса содир бўлган жойни тезкор текшириш;
- жиноятчиларни таъқиб қилиш;
- ҳодиса содир бўлган жойда жиноят гувоҳ ва шоҳидлари билан сўров ўтказиш;
- гувоҳлар ва шоҳидларни аниқлаш;

- жиноятчининг оғзаки портретини тузиш;
- жиноятчани у пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларда излаш;
- қўлга киритилган мулкни ўтказиш жойларидан излаш;
- гумон қилинувчини ёзувлар бўйича текшириш;
- гумон қилинувчи шахсга хос белгиларга ўхшаш шахсларни текшириш;
- қўлга киритилган мулкни рўйхатга олиш.

3. Энг қийин вазият бу - жиноят содир этган шахслар тўғрисида маълумотлар кам ёки умуман бўлмаган охирги ҳолат. Бунда жиноятга алоқадор шахсларни аниқлаш бўйича қуидаги чоралар кўрилади:

- а) ички ишлар бўлимида рўйхатга олинган шахслар;
- б) изланаётган шахсларга ўхшаш белгилар;
- в) зўравонлик ва мулкий жиноятлар учун илгари судланган шахслар;
- д) доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахслар ва бошқалар;
- е) зарур ҳолларда тиббиёт муассасалари фаолиятини текширишни ташкил қиласди.

Булардан ташқари, бошқа дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари ҳам амалга оширилиши мумкин.

Агар босқинчилик “сайёх жиноятчилар” томонидан содир этилган бўлса, жиноятни фош этиш учун қуидагилар тавсия этилади:

1. Биринчи навбатда шунга ўхшаш жиноятларни содир этганлик учун қидирувда бўлган шахслар тўғрисида маълумот олиш.

2. Фотосуратлар жабрланувчиларга шахсини аниқлаш учун тақдим этиш.

3. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган бармоқ излари билан қиёсий бармоқ изларини ўрганиш.

4. Мехмонхоналар, мотеллар, лагерлар ва жиноятчи-сайёҳлар яшами мумкин бўлган бошқа жойларни, кейинчалик уларни содир этилган жиноятга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида текшириш.

5. Жиноий меҳмонларнинг ноқонуний яшами мумкин бўлган жойларда шахсий тергов ишларини ташкил этиш. Жабрланувчилар жиноятчиларни аниқлашлари мумкин бўлган ҳолларда, бундай тадбирларни улар иштироқида ўтказиш тавсия этилади.

6. Ушбу худудда вақтинча яшовчи шахсларнинг жиноятга алоқадорлигини текшириш.

Хуроса қиласиган бўлсак, ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари, томонидан тезкор-қидирув фаолиятнинг назарияси ва амалиётда босқинчилик жиноятини фош этишда, жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини ўрганиш, жабрланувчи ва жиноятчи психологиясини билишлари, ҳар қандай вазиятда тезкор қарор қабул қилиш ва мақбул тезкор-

қидирув ҳаракатларини самарали қўллаш ушбу турдаги жиноятларни фош этишда ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т., 2023 <https://lex.uz/acts/111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Т., 2023 <https://lex.uz/acts/111453>
3. Криминология. Дарслик. –Т., Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия олий ҳарбий техника билим юрти. 2018. 51 б.
6. М.А.Махсудова Юридик психология: Аннотация - 2007 йил;
7. Босқинчилик жиноятларини профилактика қилиш масалалари. Амалий қўлланма. Тошкент, 2019. 46 б.
8. Долинин В.Н. Особенности реализации программ первоначального этапа расследования грабежей и разбоев, совершенных с незаконным проникновением в жилище // Российский юридический журнал. 2016. № 3. С. 140 - 145.